



3 “ апрель 2018 й. г. № 261

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини
янада такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика олий таълим муассасалари бакалавриатига кириш тест синовларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 16 ноябрдаги ПҚ–3389-сон қарорига мувофиқ олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилишда тест синовларини очиқ ва ошқора ўтказиш ҳамда билимли ёшларни ўқишга қабул қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Бакалавриатга тест синовларисиз, касбий (ижодий) имтиҳонлар орқали ўқишга қабул қилиш бўйича таълим йўналишлари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В. Акмалов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори М.М. Каримов ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

**Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг
бакалавриатига ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини
ўтказиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг (кейинги ўринларда олий таълим муассасалари деб аталади) бакалавриатига ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом ҳарбий таълим муассасаларига ва Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган хорижий олий таълим муассасаларига (филиалларига) ўқишга қабул қилиш бўйича тест синовларини ўтказишга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

абитуриент – олий таълим муассасаларининг қабул комиссиясига ҳужжат топширган, Давлат тест марказининг рухсатномасига эга бўлган, тест синови қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда белгиланган гуруҳда тест синовларида иштирок этувчи талабгор;

абитуриент рухсатномаси – паспорт (у бўлмаган ҳолда шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат) билан биргаликда абитуриентнинг белгиланган сана ва вақтда тест синовларида иштирок этишга рухсат берадиган ҳужжат;

бино раҳбари – Давлат тест маркази директорининг буйруғи билан тайинланадиган, белгиланган вазифа ва мажбуриятлар бўйича бинодаги гуруҳ назоратчилари ва абитуриентлар ҳаракатларига умумий раҳбарликни бажарувчи, назорат қилувчи ва амалий ёрдам кўрсатувчи ходим;

гуруҳ назоратчиси – Давлат тест маркази билан тузилган шартнома асосида шартномада белгиланган вазифа ва мажбурият бўйича тест синовларида абитуриентлар ҳаракатига умумий раҳбарликни амалга ошириш, тест синовининг белгиланган тартиб бўйича ўтишини қатъий назорат қилишга масъул бўлган ва абитуриентларга тест синовини топшириш тартиби бўйича амалий ёрдам кўрсатиш учун жалб қилинган ва тест синовлари ўтказилиши билан боғлиқ семинарда иштирок этган шахс;

жавоблар варақаси – тест топшириқлари китобидаги ҳар бир топшириқнинг бажарилиши натижасида танлаган жавобнинг биттасини белгилашга мўлжалланган ва абитуриентнинг билимини баҳолаш учун асос ҳисобланадиган ягона ҳужжат;

олий таълим муассасасининг қабул комиссияси (кейинги ўринларда қабул комиссияси деб аталади) – олий таълим муассасаси ректори (филиал директори)нинг буйруғи билан тасдиқланадиган, белгиланган вазифалар бўйича таълим йўналишларига абитуриентлар ҳужжатларини қабул қилувчи, уларга тест

синовлари жараёни бўйича маслаҳатлар, кўрсатмалар берувчи, тест синовларини ўтказишнинг ташкилий масалаларида иштирок этувчи орган;

тест топшириқлари китоби – белгиланган фанлар мажмуаси бўйича тест топшириқларини ўз ичига олган саволлар тўплами;

титул варақаси – абитуриент хақидаги маълумотларни ўз ичига олган, олий таълим муассасасининг қабул комиссияси томонидан тест синовини натижалари қайд этиладиган ҳужжат;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази вакили (кейинги ўринларда Давлат тест маркази вакили деб аталади) – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда Давлат тест маркази деб аталади) директорининг буйруғи билан тайинланадиган, тест синовлари ўтказиладиган тегишли ҳудуд ва бинода белгиланган вазифа ва мажбуриятлар бўйича амалга ошириладиган тадбирларга умумий раҳбарлик қилувчи ҳамда тест синовини иштирокчиларининг вазифаларига мувофиқ ҳаракатини назорат қилувчи ва амалий ёрдам кўрсатувчи ходим.

4. Тест синовларини адолатли ва ҳолисона ўтказиш мазкур Низом талабларига қатъий риоя этган ҳолда олий таълим муассасаларининг қабул комиссиялари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Давлат тест маркази вакиллари, бино раҳбарлари, гуруҳ назоратчилари томонидан таъминланади.

Мазкур Низомда белгиланган талабларга мувофиқ тест синовларини ўтказиш бўйича ташкилий ишлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва олий таълим муассасаларининг қабул комиссиялари томонидан таъминланади.

5. Тест синовлари ўтказиладиган кунда Давлат тест марказининг тегишли рухсатномасига эга бўлмаган шахсларнинг тест синовлари ўтказилиши белгиланган ҳудудга кириши тақиқланади.

6. Тест синовлари кундузги, махсус сиртки ва кечки (сменали) таълим шакли учун ҳар йили 1 августдан 15 августгача бўлган муддатда, қоида тариқасида, кунига икки сменада ўтказилади. Биринчи смена соат 08:00 да, иккинчи смена соат 15:00 да бошланади.

Абитуриент тест синовлари бошланганидан сўнг бинога тегишли ҳудудга киритилмайди.

7. Абитуриент рухсатномасида кўрсатилган сана ва вақтда тест синовларида иштирок этади.

Абитуриент учун мазкур сана ва вақт қатъий ҳисобланиб, унга бошқа сана ва вақтда тест синовларида иштирок этиш учун рухсат берилмайди.

8. Тест топшириқлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг умумтаълим фанлари ўқув дастурларига мувофиқ тузилади.

9. Абитуриентлар танлаган таълим йўналишига қараб тегишли равишда бир, икки ёки учта фан мажмуаси бўйича тест синовини топширади.

10. Тест топшириқлари китобидаги мавжуд ҳар бир фан 30 тадан тест топширигини ўз ичига олади.

11. Тест топшириқларини бажариш учун (жавоблар варакасини тўлдириш билан бирга) 30 та тест топшириғига 1 соат, 60 та тест топшириғига 2 соат, 90 та тест топшириғига 3 соат вақт белгиланади.

12. Абитурientларнинг талабалikka тавсия этилгани ёки этилмагани тўғрисида белгиланган тартибда тасдиқланган тест синовлари натижалари тест синови ўтказилган куннинг эртасига Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилинади ҳамда олий таълим муассасаларига етказилади.

13. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ташкил этиш мазкур Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Тест синовларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш

1-§. Тест синовлари ўтказиладиган жойларга қўйиладиган умумий талаблар

14. Тест синовлари Тошкент шаҳридаги “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар мажмуаси павильонларида ва унинг ҳудудида ўрнатиладиган қўшимча йиғма павильонларда, шунингдек, катта сигимдаги бошқа биноларда, вилоят марказларида эса – олимпия захиралари коллежлари ёки бошқа ташкилотларнинг катта сигимдаги биноларида ўтказилади.

15. Биноларни тайёрлаш, видеокузатувлар орқали жамоатчилик, шу жумладан абитуриентлар ота-оналарининг кириш тест синовлари жараёнини онлайн тарзда кузатиб боришлари, абитуриентларни шахсни идентификациялаш воситалари ҳамда видеофиксация қурилмалари орқали бинога тегишли ҳудудга киритиш, бинолардаги ва хизмат постларидаги видео ёзувлар сақланиши учун шароитлар яратиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ўтказилган тест синовлари жараёни бўйича видео ёзувларни сақлайди ва уларни тест синовлари ўтказилган куннинг эртасига Давлат тест марказига топширади.

16. Гуруҳ назоратчилари ва абитуриентларни тест синовлари ўтказиладиган ҳудудга назорат хизмати постлари орқали киритиш, тадбир жараёнида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда олий таълим муассасаларининг қабул комиссиялари томонидан амалга оширилади.

17. Худуд бўйича бош штабда, тест синовлари ўтказиладиган ҳар бир бинода Давлат тест марказининг вакилига тест материалларини сақлаш, тарқатиш ва йиғиб олиш учун мўлжалланган етарли миқдорда стол, стуллар, компьютер, сканер, стационар телефон алоқаси, доимий видеокузатув ва сейф билан таъминланган махсус хона (штаб) тайёрланади. Бунда бинонинг ҳолати санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига тўлиқ жавоб бериши лозим.

Йўналишларда мос чет тили фанидан белгиланган максимал балл берилади ва улар чет тили фанидан тест синови (касбий (ижодий) имтиҳон) топширмайди.

16. Тест синовларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом асосида амалга оширилади”;

1-илованинг 1-бандидаги “25” рақами “20” рақами билан алмаштирилсин.



3. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 6-сон, 108-модда):

а) 1-иловада:

3-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Тест синовларини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда Давлат тест маркази деб аталади) томонидан амалга оширилади”;

13-бандда:

биринчи хатбошидаги “25 июлгача” сўзлари “20 июлгача” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “26 июлгача” сўзлари “21 июлгача” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “30 июлгача” сўзлари “22 июлгача” сўзлари билан алмаштирилсин;

14, 15 ва 16-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“14. Тест синовлари кундузги, махсус сиртқи ва кечки (сменали) таълим шакли учун ҳар йили 1 августдан 15 августгача бўлган муддатда, қонда тариқасида, кунига икки сменада ўтказилади.

Абитуриентларнинг талабаликка тавсия этилган ёки этилмагани тўғрисида белгиланган тартибда тасдиқланган тест синовлари натижалари тест синови ўтказилган куннинг эртасига Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

15. Олий таълим муассасасида танланган таълим йўналишига қараб абитуриентлар тегишли равишда бир, икки ёки уч фан мажмуалари бўйича тест синовларидан ўтадилар.

Тест топшириқлари умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими умумтаълим фанлари ўқув дастурларига мувофиқ тузилади.

“Журналистика”, “Халқаро журналистика” ва “Нутқ маданияти ва нотиклик санъати” таълим йўналишлари бўйича тест синовлари билан бир қаторда (0 билан 63 баллгача бўлган ораликда баҳоланувчи) касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказилади.

Фанлар мажмуаси Она тили ва адабиёти (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, қорақалпоқ тили ва адабиёти), Математика (информатика билан), Физика, Кимё, Биология, Тарих, География, Чет тили (инглиз тили, немис тили, француз тили) фанлари бўйича шаклланади.

Давлат тест маркази томонидан бериладиган чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги давлат намунасидаги В1 ва ундан юқори даражадаги малака сертификатга эга бўлган абитуриентларга ушбу ҳолатни тасдиқловчи ҳужжатни қабул жараёнида тақдим этганда олий таълим муассасалари бакалавриятининг кириш тест синовлари фанлар мажмуасига чет тили фани киритилган

18. Бинода тест синовлари жараёнини тўлиқ назорат қилиш мақсадида қонда тариқасида, 30 нафар абитуриент учун битта видеокузатув тизими ўрнатилиши, жараёни абитуриентларнинг ота-оналари онлайн тарзда кузатиши учун зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши шарт.

Бинода бир нафар абитуриентга қонда тариқасида, 2 м² дан кам бўлмаган жой тайёрланади.

19. Худудлар бўйича тест синовлари ўтказиладиган бино ва гуруҳларнинг алоҳида тартиб рақами такрорланмайдиган кетма-кетликда рақамланган бўлиши лозим.

20. Ҳар бир гуруҳ алоҳида ўтириш ўрнига эга бўлган 30 тадан стол ва стул билан таъминланиб, столлар бирдан ўттизгача рақамланиши лозим.

Гуруҳ назоратчиси учун тест материалларини тарқатиш ва қабул қилишга алоҳида стол ва стул ажратилиб, стол узлуксиз видеокузатув билан таъминланган бўлиши зарур.

21. Тест ўтказиладиган ҳар бир бинони тайёрлашда унга ёруғлик тушиши, бинони шамоллатиш, абитуриентни тик тушган қуёш нуридан химоялаш имкониятлари ҳисобга олинаши лозим.

22. Бинога тегишли худудда ва бинога кириш жойларида гуруҳ ва абитуриентлар сони ёзилган кўрсаткичлар илиб қўйилган бўлиши шарт.

23. Тест синовлари ўтказиладиган ҳар бир худудда тест жараёни учун зарур ахборот, техник, тиббий ва маиший шароитлар яратилган бўлиши лозим.

2-§. Тест синовларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда қабул комиссияларининг вазифалари

24. Қабул комиссияси тест синовларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ қуйидаги вазифаларни бажаради:

қабул комиссиясининг эълонлар тахтасига қабул жараёни бошланадиган кунга қадар Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом, мазкур Низом, таълим йўналишлари, таълим шакли ва ўқитиш тили бўйича қабул квоталари, уларга мувофиқ тест синовлари ўтказиладиган фанлар мажмуаси ҳамда касбий (ижодий) имтиҳон топшириладиган таълим йўналишлари рўйхатини жойлаштириш;

қабул жараёнини уюшқоқлик билан, тартибли ташкил этиш, абитуриентларга уларнинг тест синовлари жараёнидаги вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, тест синовлари жараёни бўйича маслаҳатлар, кўрсатмалар бериш;

ҳар йили 15 июндан 15 июлгача абитуриентларнинг ўқишга қабул қилиш ҳақидаги аризаларини қабул қилиш ва абитуриентларга ҳужжатлар қабул қилинганлиги тўғрисида тилхат ҳамда мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ эслатмани бериш;

абитуриентга тест синовлари қондалари билан тўлиқ танишгани тўғрисида тегишли рўйхатга имзо қўйдириш;

ҳужжат топширган абитуриентлар ҳақидаги маълумотларни ҳужжат топширилган куннинг ўзида қайд дафтарларига ва Давлат тест маркази томонидан тақдим этилган махсус дастур орқали базага киритиш ва абитуриентларнинг электрон шаклдаги фотосуратлари билан бирга Давлат тест марказига тақдим этиб бориш;

махсус дастур орқали базага махсус код, қайд рақами, таълим тури, таълим муассасасининг номи, абитуриентнинг фуқаролиги, фамилияси, исми, отасининг исми, миллати, жинси, паспорт серияси ва рақами, яшаш жойи, туғилган йили ва жойи, ижтимоий келиб чиқиши, таълим олган таълим муассасаси тури, рақами ва номи, манзили ҳамда уни тугатган йили, диплом (шаҳодатнома ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат) рақами, диплом (шаҳодатнома)даги ўртача бали, муддатли ҳарбий хизматни ўтаганлар учун ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномаси ҳамда республика ва халқаро фан олимпиадалари ғолиби эканлиги, Давлат тест маркази томонидан тақдим этилган чет тилини билиш даражаси (В1 ва ундан юқори бўлган) тўғрисидаги сертификат ҳақида маълумот (агар мазкур ҳужжатлар мавжуд бўлса) ва бошқа имтиёзга эга бўлганлар ҳамда тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар ва кўзи ожизлар тоифасига кирувчи шахс тўғрисидаги маълумот, ўқитиш тили, ихтисослиги, чет тили ва уни топшириш усулини киритиш;

таълим йўналишлари, ўқитиш тили ва таълим шакли бўйича олий таълим муассасасига топширилган ҳужжатлар сони, шу жумладан, фан олимпиадалари ғолиблари, ҳарбий ва бошқа имтиёзга эга бўлган ҳамда тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар ва кўзи ожизлар тоифасига кирувчи абитуриентлар томонидан топширилган ҳужжатлар ҳақидаги маълумотларни абитуриентлар ва ота-оналар эътибори учун ҳар кун эълон қилиб бориш;

Давлат тест марказидан ҳар йили 17 июль кун мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ титул варақаси ва 4-иловага мувофиқ абитуриент рухсатномаси бланкаларини, 24 июль кун абитуриентларга тааллуқли маълумотларни қабул қилиб олиш;

маълумотлар асосида абитуриентларнинг рухсатномалари ва титул варақаларини чоп этиш ҳамда тасдиқлаш;

ҳар йили 22 июлга қадар касбий (ижодий) имтиҳонлар натижаларини махсус дастур орқали базага киритиш ва расмийлаштирилган ҳужжатларни Давлат тест марказига тақдим этиш ҳамда ушбу маълумотларнинг ўзгармаслигини таъминлаш ва абитуриентларга маълумот сифатида эълон қилиш. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг абитуриентларни талабалар сафига қабул қилиш ҳақидаги қарори чиққунга қадар эълонлар тахтасидан рўйхат олинмаслигини таъминлаш;

абитуриентларга рухсатномаларнинг ҳар йили 29-31 июль кунлари тест синовлари ўтказиладиган биноларнинг чизма нусхаси ва абитуриентларга эслатмани илова қилган ҳолда, қайднома асосида мазкур Низомга 5-иловада келтирилган 1-шакл бўйича тарқатилишини таъминлаш ва абитуриентлар учун тест синовлари жараёни ҳақида маслаҳатлар, кўрсатмалар бериш;

ҳар йили 31 июль кун гуруҳлар кесимида абитуриентларнинг титул варақаларини пакетларга солинган ҳолда Давлат тест маркази вакилига топшириш;

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “ 3 ” апрелдаги 261-сон қарорига
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
айрим қарорларига киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси қуролли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2012 йил 11 июлдаги 205-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 7-сон, 51-модда):

а) 2-банд чиқариб ташлансин;

б) 1-иловада:

2-банддаги “2010 йил 18 июндаги 118-сон” сўзлари “2017 йил 20 июндаги 393-сон” сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномасига эга бўлган абитуриент тест синови топширган таълим йўналишига кириш учун етарли балл тўпламаган, бироқ танлаган иккинчи олий таълим муассасаси таълим йўналиши, таълим шакли ва тили бўйича қабул квотаси доирасида белгиланган ўтиш бали ва ундан юқори балл тўплаган тақдирда, ушбу таълим йўналишига тўлов-контракт асосида Давлат комиссиясининг қарори билан белгиланган квотадан ташқари ўқишга тавсия этилади.

Ушбу абитуриентнинг тест синови натижалари унинг аризасида кўрсатилган биринчи ва (ёки) иккинчи олий таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан эълон қилинади.

Бунда, талабалikka тавсия этилган ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномасига эга абитуриентларга тегишли таълим йўналишлари учун амалда ўрнатилган тўлов-контракт миқдорлари қўлланилади”;

в) 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент давлат юридик университети магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2013 йил 23 июлдаги 206-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 7-сон, 47-модда):

1-иловада:

19-банддаги “3-15” рақамлари “5-20” рақамлари билан алмаштирилсин;

30-банднинг биринчи хатбошидаги “20” рақами “25” рақами билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил "3" апрелдаги 261-сон қарорига
2-илова

**Бакалавриятга тест синовларисиз, касбий (ижодий) имтиҳонлар орқали
ўқишга қабул қилиш бўйича таълим йўналишлари
РЎЙХАТИ**

| Т/р | Билим ва таълим соҳалари, таълим йўналишлари | |
|-----|--|----------------|
| | Номи | Код |
| | ГУМАНИТАР СОҶА | 100 000 |
| | <i>Педагогика</i> | <i>110 000</i> |
| 1. | Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси | 5110800 |
| 2. | Муסיқа таълими | 5111100 |
| 3. | Жисмоний маданият | 5112000 |
| | Санъат | 150 000 |
| 4. | Бастакорлик санъати | 5150100 |
| 5. | Санъатшунослик (турлари бўйича) | 5150200 |
| 6. | Актёрлик санъати (турлари бўйича) | 5150300 |
| 7. | Режиссёрлик (турлари бўйича) | 5150400 |
| 8. | Дирижёрлик (турлари бўйича) | 5150500 |
| 9. | Вокал санъати (турлари бўйича) | 5150600 |
| 10. | Чолғу ижрочилиги (турлари бўйича) | 5150700 |
| 11. | Рангасвир (турлари бўйича) | 5150800 |
| 12. | Дизайн (турлари бўйича) | 5150900 |
| 13. | Ҳайкалтарошлик (турлари бўйича) | 5151100 |
| 14. | Амалий санъат (турлари бўйича) | 5151200 |
| 15. | Хореография (турлари бўйича) | 5151300 |
| 16. | Халқ ижодиёти (турлари бўйича) | 5151600 |
| | ХИЗМАТЛАР СОҶАСИ | 600 000 |
| | <i>Хизмат қўрсатиш соҳаси</i> | <i>610 000</i> |
| 17. | Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича) | 5610500 |

Изоҳ. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан мазкур рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Давлат тест марказидан ҳар йили 16 августдан бошлаб титул варақаларини қабул қилиб олиш.

25. Қабул комиссияси ҳар йили 16 июль кuni абитуриентлардан тушган аризалар, халқаро ва республика фан олимпиадалари, танлов ва мусобақалар ғолиблари, чет эл фуқароси бўлган абитуриентлар, ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномасига эга бўлган абитуриентлар, тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар тоифасидаги абитуриентлар, Давлат тест маркази томонидан тақдим этилган чет тилини билиш даражаси (B1 ва ундан юқори бўлган) тўғрисидаги сертификатга эга бўлган абитуриентлар ҳақида қабул комиссиясининг раиси ва масъул котиби томонидан имзоланган маълумотларни мазкур Низомга 6-иловада келтирилган 1–6-шакллар бўйича Давлат тест марказига тақдим этади.

Абитуриент тўғрисида тақдим этилган маълумотларга 16 июлдан сўнг ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тақиқланади.

26. Қабул комиссиясининг раиси ва масъул котиби Давлат тест маркази томонидан тақдим этилган рухсатнома асосида, унда белгиланган кун, тест синовлари ўтказиладиган бино штабида тест синовлари жараёни кузатувчиси сифатида иштирок этади.

27. Қабул комиссияси томонидан ўзига юкланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун жавобгарлик шахсан қабул комиссиясининг раиси ва масъул котиби зиммасига юкланади.

**3-§. Тест синовларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда
Давлат тест марказининг вазифалари**

28. Давлат тест маркази тест синовларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ куйидаги вазифаларни бажаради:

тест материалларининг сифатли ва нуқсонсиз тайёрлигини таъминлаш;

тест материалларининг 1 августгача ва ундан кейин белгиланган кунларда Давлат фельдъегерлик хизмати томонидан Давлат тест маркази вакилига етказилишини таъминлаш;

тест синовлари ўтказилиши билан боғлиқ семинарда иштирок этган малакали шахслар таркибидан, қоида тариқасида, ҳар 30 нафар абитуриентга 2 нафар гуруҳ назоратчисини шартнома асосида тест синовлари жараёнига жалб этиш;

қабул комиссияларидан абитуриентлар ҳақида келиб тушган маълумотлар асосида таълим йўналишлари кесимида гуруҳларни шакллантириш ҳамда уларнинг бинолар бўйича ўтириш ўринларини белгилаш;

таълим йўналишлари кесимида абитуриентларнинг гуруҳлар бўйича тақсимланган рўйхатини мазкур Низомга 5-иловада келтирилган 2-шаклга мувофиқ икки нусхада, бино раҳбари ва гуруҳ назоратчилари рўйхатини икки нусхада тайёрлаш ҳамда тасдиқланган ҳолда Давлат тест маркази вакилига етказиш;

кунлик тест синовлари тугагандан сўнг тест материалларининг Давлат фельдъегерлик хизматида топширилишини назорат қилиш;

Давлат тест марказига олиб келинган жавоблар варақалари бўйича тест синовлари натижаларини ҳисоблаш ва эълон қилиш.

Давлат тест маркази мазкур Низом ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

4-§. Тест синовларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вазифалари

29. Куйидагилар тест синовларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вазифалари ҳисобланади:

хар йили 16 июлга қадар тест синовлари ўтказиладиган биноларни мазкур бобнинг 1-параграфидида белгиланган талаблар бўйича тест синовларига тайёр ҳолатга келтириш ҳамда бу ҳақда Давлат тест марказига маълумот бериш;

абитуриентларни тест синовлари ўтказиладиган ҳудудга шахсни идентификациялаш воситалари орқали тартибли киритилишини таъминлаш;

тест синовлари жараёнини видеокузатувлар орқали онлайн тизимда ота-оналарга кўрсатиш, бош штаб ва ҳар бир бинода тезкор ахборотларни тўплаш учун уларнинг зарур моддий-техника воситалари билан тўлиқ жиҳозланишини таъминлаш;

абитуриентларнинг ота-оналари ва кенг жамоатчилик учун тест синовларини онлайн режимда кузатишини таъминлаш мақсадида бинога тегишли ҳудуд ташқарисида ўтириш жойларини белгилаш ҳамда кутиш жойларини ташкил этиш;

тест синовларини ўтказиш учун транспорт воситалари билан таъминлашга амалий ёрдам бериш, ҳар бир ҳудуд хавфсизлигини ва тест синовларининг тартибли ўтишини таъминлаш, назорат хизмати постларини ташкил этиш;

хар бир сменада абитуриентлар ва гуруҳ назоратчиларини етарли миқдорда ичимлик суви, хаворанг пастали шарикли ручкалар билан ҳамда тест синовлари ўтказиладиган биноларни санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига тўлиқ жавоб беришини таъминлаш.

30. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, қабул комиссиялари бино ҳудудига ёки бинога гуруҳ назоратчилари, абитуриентлар ва бошқа шахслар томонидан микрокалькулятор, луғат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари, шпаргалкалар ва шу кабиларни олиб киришларига рухсат берса ёки ўзлари ташкиллаштира, мазкур ҳолат уларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

31. Тест синовлари ўтказиладиган бинога тегишли ҳудудга кириш жойларида ташкил этилган назорат хизмати постларида хизмат олиб бораётган ходимлар томонидан текширув вақтида абитуриентда микрокалькулятор, луғат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари, шпаргалкалар мавжудлиги аниқланган тақдирда, шу жойга бириктирилган Давлат тест маркази вакили хабардор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриятига ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга 13-илова

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази директориغا

(абитуриентнинг Ф.И.О. ва янги манзили)

ТЕСТ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА АПЕЛЛЯЦИЯ ШИКОЯТИ

| Таълим муассасасининг коди ва номи | Гуруҳ | Махсус код | Жавоблар варақаси рақами |
|------------------------------------|-------|------------|--------------------------|
| | | | |

Менинг куйидаги эътирозларимни кўриб чиқишингизни сўрайман:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____

(абитуриент Ф.И.О.)

(имзо)

(сана)

Ариза 20__ йил “__” _____ соат _____ да кўриб чиқилади.

(ариза қабул қилувчи Ф.И.О.)

(имзо)

(сана)

М.Ў.

(қирқиз чизиғи)

ХАБАРНОМА _____-сон

Хурматли _____

(абитуриент Ф.И.О.)

Аризангизни кўриб чиқиш учун 20__ йил “__” _____ соат _____ да Давлат тест марказига паспорт ва рухсатномангиз билан етиб келишингиз сўралади.

20__ йил “__” _____

(ариза қабул қилувчи Ф.И.О.)

(имзо)

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриятига ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга 12-илова

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази директорига

(абитуриентнинг Ф.И.О. ва яшаш манзили)

| Test topshirig'i mazmuni bo'yicha e'tirozlar | | | | | Sana |
|--|----------------------------------|----------|-------------------------|-----------------|------|
| Hudud | Bino № | Gruppi № | Smena № | | |
| № | Test topshirig'ini kitobi raqami | Fan nomi | Test topshirig'i raqami | E'tiraz mazmuni | Imzo |
| 1. | | | | | |
| 2. | | | | | |
| 3. | | | | | |
| 4. | | | | | |
| 5. | | | | | |
| 6. | | | | | |
| 7. | | | | | |
| 8. | | | | | |
| 9. | | | | | |
| 10. | | | | | |

Guruh nazoratchisi _____ F.I.O. _____ Imzo _____

Izoh: Ushbu shakl javoblar varaqasi paketiga solinadi.

5-§. Тест синовларини ўтказишда Давлат тест маркази вакили, бино раҳбари, гуруҳ назоратчиси ва абитуриентларнинг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

32. Қуйидагилар Давлат тест маркази вакилининг вазифалари ҳисобланади: бино раҳбарлари ва гуруҳ назоратчиларига умумий раҳбарлик қилиш ҳамда уларга амалий ёрдам кўрсатиш;

тест синовларининг бошланиши ва тугашини қатъий назорат қилиш, тезкор ахборотларни Давлат тест марказига юбориш, тест синовларини адолатли, ҳолисона ва мазкур Низомда белгиланган талаблар асосида ўтишини таъминлаш.

33. Давлат тест маркази вакили ўзига юкланган вазифаларни самарали амалга ошириш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва қабул комиссияларига кўрсатма бериш, мазкур Низом талабларига амал қилмаган бино раҳбарини, гуруҳ назоратчисини ва абитуриентни тест синовлари жараёнидан четлаштириш ҳамда Давлат тест маркази раҳбарияти билан келишилган ҳолда четлаштирилганлар ўрнига бошқа бино раҳбарини, гуруҳ назоратчисини тайинлаш ҳуқуқига эга.

34. Қуйидагилар Давлат тест маркази вакилининг мажбуриятлари ҳисобланади:

ўзига бириктирилган бинода тест ўтказиш тартибига қатъий риоя этилишини таъминлаш;

белгиланган саналарда эрталаб соат 05:30 дан кечикмасдан ўзига тегишли биного етиб келиш ва назорат хизмати пости орқали паспорти (рухсатнома ёки гувоҳнома) билан кириш;

бино раҳбарлари ва гуруҳ назоратчилари рўйхатини хизмат постларига етказишни таъминлаш;

тест материаллари солинган захира қутиларни сейфга жойлаштириб, муҳрланишини таъминлаш;

абитуриент тест синовлари қоидаларини бузган ҳолда, уни тест синовларидан четлаштириш тўғрисида гуруҳ назоратчиларига жавоблар варақасининг 4-бўлимини расмийлаштириш учун кўрсатма бериш;

тест синовлари тугагандан сўнг абитуриентларнинг гуруҳлар бўйича рўйхати солинган ва муҳрланган пакетларни, тест материаллари қутиларини мазкур Низомга 7-иловада келтирилган тест материаллари қутиси реестри асосида Давлат фельдъегерлик хизмати ходимларига топшириш.

35. Давлат тест маркази вакили абитуриентларга микрокалькулятор, луғат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари, шпаргалкалар ва шу кабиларни берса ёки фойдаланилаётган ҳолатларда уларни тест синовларидан четлаштириш тўғрисида кўрсатма бермаса, мазкур ҳолат уни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

36. Давлат тест маркази вакили Давлат тест маркази директорининг буйруғи билан алмаштирилиши мумкин.

37. Мазкур Низом талаблари асосида ўзига бириктирилган бинодаги гуруҳ назоратчилари фаолиятини ва абитуриентларнинг тест топширишини назорат қилиш бино раҳбарининг вазифаси ҳисобланади.

38. Бино раҳбари ўзига юкланган вазифаларни самарали амалга ошириш учун Давлат тест маркази вакилидан амалий ёрдам олиши, мазкур Низом талабларига амал қилмаган гуруҳ назоратчисини, абитуриентни тест синовлари жараёнидан четлаштириш ҳамда Давлат тест маркази вакили билан келишилган ҳолда гуруҳ назоратчисини тайинлаш ҳуқуқига эга.

39. Куйидагилар бино раҳбарининг мажбуриятлари ҳисобланади:

белгиланган саналарда эрталаб соат 05:30 дан кечикмасдан ўзига тегишли бинога етиб келиш ва назорат хизмати пости орқали паспорти (рухсатнома ёки гувоҳнома) билан кириш;

эрталаб соат 06:00 дан 06:30 гача гуруҳ назоратчиларига мазкур Низомга 8-иловага мувофиқ уларнинг рухсатномаларини тарқатиш ва тақсимотини расмийлаштириш;

биринчи сменада соат 06:30 дан 07:00 гача, иккинчи сменада соат 13:30 дан 14:00 гача абитуриентларнинг гуруҳлар бўйича рўйхатини (икки нусхада) ва титул varaқаларини, мазкур Низомга 9-иловада келтирилган 1-шакл бўйича тест материалларини тарқатиш ва қабул қилиш баённомасини расмийлаштириш;

тест материаллари солинган захира қутиларини сейфга жойлаштириб, муҳрлаш;

ўзига бириктирилган бинодаги гуруҳ назоратчиларидан абитуриентларнинг гуруҳлар бўйича рўйхатининг бир нусхасини тест синовлари жараёни бошлангандан сўнг 30 дақиқа ичида йиғиб олиш, ундаги ахборотнинг 30 дақиқа ичида Давлат тест марказига электрон шаклда юборилишини таъминлаш;

абитуриент тест материалда типографик хатолик борлиги ҳақида мурожаат қилса, зудлик билан захира қутиларидан таълим йўналиши ва тилига мос тест материалларини гуруҳ назоратчисига бериш ва мазкур Низомга 9-иловада келтирилган 2-шакл бўйича захира тест материалларини тарқатиш баённомасини расмийлаштириш;

гуруҳларда тест синовларини ўтказиш тартибини бузган абитуриентларнинг тестдан четлаштирилишини ва бу ҳақда жавоблар varaқасининг 4-бўлими расмийлаштирилишини назорат қилиш;

тест синовининг тугаш вақтига қатъий амал қилиш;

биринчи сменада учта фандан тест топшириқларини бажарувчи абитуриентлар учун соат 11:00 дан 11:20 гача, иккита фандан тест топшириқларини бажарувчи абитуриентлар учун 10:00 дан 10:20 гача, битта фандан тест топшириқларини бажарувчи абитуриентлар учун 09:00 дан 09:20 гача; иккинчи сменада учта фандан тест топшириқларини бажарувчи абитуриентлар учун соат 18:00 дан 18:20 гача, иккита фандан тест топшириқларини бажарувчи абитуриентлар учун 17:00 дан 17:20 гача, битта фандан тест топшириқларини бажарувчи абитуриентлар учун 16:00 дан 16:20 гача мазкур Низомга 10-иловада келтирилган 1-3-шакллар бўйича жавоблар varaқаси, тест топшириқлари китоби пакети, титул varaқалари пакетини

(орқа томони)

3) *Diqqat! Bu yerda ruxhka tekshirilmaydi!*
Внимание! Здесь не проверяется!

JAVOBLAR BO'LIMI VAZDIL O'YEVITOV

| | A | B | C | D | A | B | C | D | A | B | C | D | A | B | C | D | A | B | C | D | |
|----|---|---|---|---|----|---|---|---|----|---|---|---|----|---|---|---|----|---|---|---|----|
| 1 | | | | | 16 | | | | 31 | | | | 46 | | | | 61 | | | | 76 |
| 2 | | | | | 17 | | | | 32 | | | | 47 | | | | 62 | | | | 77 |
| 3 | | | | | 18 | | | | 33 | | | | 48 | | | | 63 | | | | 78 |
| 4 | | | | | 19 | | | | 34 | | | | 49 | | | | 64 | | | | 79 |
| 5 | | | | | 20 | | | | 35 | | | | 50 | | | | 65 | | | | 80 |
| 6 | | | | | 21 | | | | 36 | | | | 51 | | | | 66 | | | | 81 |
| 7 | | | | | 22 | | | | 37 | | | | 52 | | | | 67 | | | | 82 |
| 8 | | | | | 23 | | | | 38 | | | | 53 | | | | 68 | | | | 83 |
| 9 | | | | | 24 | | | | 39 | | | | 54 | | | | 69 | | | | 84 |
| 10 | | | | | 25 | | | | 40 | | | | 55 | | | | 70 | | | | 85 |
| 11 | | | | | 26 | | | | 41 | | | | 56 | | | | 71 | | | | 86 |
| 12 | | | | | 27 | | | | 42 | | | | 57 | | | | 72 | | | | 87 |
| 13 | | | | | 28 | | | | 43 | | | | 58 | | | | 73 | | | | 88 |
| 14 | | | | | 29 | | | | 44 | | | | 59 | | | | 74 | | | | 89 |
| 15 | | | | | 30 | | | | 45 | | | | 60 | | | | 75 | | | | 90 |

2) *Yu'lim muassasasi kodini to'g'ri ko'rsatish uchun*
Код образовательного учреждения

Mazkur kod / Идентификационный код

Chet tili / Иностранный язык
Тил / Язык

Manzil / Местность
Манзил / Местность

Fraksiya / Фракция

1) _____
(Familya / Фамилия)

(Ism / Имя)

(Olaq / Отчество)

(Yu'lim muassasasi / Образовательное учреждение)

(Yu'lim yo'nalishi / Направление образования)

Имзо/Подпись

Test sinovlari qoidalarini buzildimi? / Нарушены ли правила проведения тестирования? Ha/Да Yo'q/Нет

4) *Diqqat! Guruh nazoratchisi, bino bo'yicha rahbar yoki DTM vakili tomonidan rasmiylashtiriladi!*
Внимание! Оформляется на основании группы, руководителем по зданию или представителем ЦТТ!

Test sinovidan chetlashtirish haqida dalolatnoma
Акт об отстранении от тестовых испытаний

(Che'lashtirish vaqti va sababi / Время отстранения и причина)

1) _____
(Guruh rahbari nomi F.I.O. / ФИО руководителя группы) _____
Имзо/Подпись

2) _____
(Guruh nazoratchisi F.I.O. / ФИО наблюдателя группы) _____
Имзо/Подпись

Ўзбекистон Республикаси олий таълим
муассасаларининг бакалавриятга ўқишга
қабул қилиш учун кириш тест синовларини
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
11-илова

Жавоблар варақаси
(олд томони)

| | |
|--|---|
| DTM Davlat Test Markazi | JAVOBLAR VARAQASI |
| Abituriyentlar diqqatga! | |
| <ol style="list-style-type: none"> Javoblar varaqasini to'ldirishda faqat ko'k (to'q havorang) pastali sharikli ruckadan foydalaning. Javoblar varaqasi raqami (3-bo'lim) bilan test topshiriqlari kitobi raqami mosligini tekshiring. Javoblar varaqasi raqamini 3-bo'limdan titul varaqangizdagi va ruxsatnomangizdagi mos kataklarga ko'chirib yozing. O'zingiz haqingizdagi ma'lumotlarni 1-bo'limga yozing va imzolang. Ta'lim muassasasi kodini va maxsus kodingizni 2-bo'limning mos joylariga titul varaqangizdan ko'chirib va doirachalarni mos ravishda bo'yang. Test topshiriqlari kitobidagi to'g'ri deb hisoblangan javoblaringizni javoblar varaqasining javoblar bo'limidagi doirachalarga mos ravishda belgilang. Chet tili bo'yicha test topshirayotgan abituriyentlar mos kelgan tilga tegishli doirachani bo'yashlari shart. Iar bir test topshirig'iga faqat bitta javob belgilanganda to'g'ri belgilangan hisoblanadi. Agar bitta topshiriqqa ikki yoki undan ko'p javob belgilansa, ushbu topshiriqqa ball berilmaydi. Javoblar varaqasidagi ma'lumotlar xato to'ldirilgan yoki to'ldirilmagan hollarda e'tirozlar ko'rib chiqilmaydi. Diqqat! 4-bo'lim zaruriy hollarda guruh nazoratchisi, bino bo'yicha rahbar yoki Davlat test markazining vakili tomonidan rasmiylashtiriladi! | |
| Вниманию абитуриентов! | |
| <ol style="list-style-type: none"> При заполнении листа ответов используйте шариковую ручку с синей пастой средней жирности. Проверьте соответствие номера Вашего листа ответов (раздел 3) номеру книги тестовых заданий. Номер листа ответов из раздела 3 перенесите в соответствующие клетки Вашего титульного листа и пропуска. В раздел 1 занесите свои данные и распишите. В раздел 2 перенесите из титульного листа код образовательного учреждения, ваш индивидуальный код и закрасьте соответствующие им кружки. В разделе ответов отметьте Ваши ответы на задания из книги тестовых заданий. Абитуриенты, проходящие тестирование по иностранному языку, должны закрасить кружок соответствующего языка. Правильное заполнение предполагает только один закрашенный ответ на каждое задание. Если на одно задание закрашены два и более ответов, то за это задание балл не дается. В случае ошибочного заполнения либо незаполнения данных в листе ответов претензии не рассматриваются. Внимание! Раздел 4 оформляется в случае необходимости наблюдателем группы. | |
| Belgilash uchun namuna/Образец закрашивания | |
| To'g'ri/Pравильно | Noto'g'ri/Неправильно |
| <input checked="" type="radio"/> | <input type="radio"/> <input type="radio"/> <input type="radio"/> <input type="radio"/> <input type="radio"/> <input type="radio"/> <input type="radio"/> <input type="radio"/> |

гурухларда мухрланишини назорат қилиш ҳамда гурух назоратчиларидан тест материаллари қутиларини мухрланган ҳолда қабул қилиб олиш;

абитуриентларнинг гурухлар бўйича рўйхати солинган ва мухрланган пакетни ҳамда тест материаллари қутиларини реестр асосида Давлат тест маркази вакилига топшириш.

40. Бино раҳбари абитуриентларга микрокалькулятор, луғат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари, шпаргалкалар ва шу кабиларни берса ёки ишлатишга имконият яратса, фойдаланилаётган ҳолатда кўриб туриб тест синовларидан четлаштириш учун кўрсатма бермаса, мазкур ҳолат уни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

41. Тест синови ўтказилаётган гуруҳда мазкур Низом талабларига қатъий риоя қилиш ва адолатли ўтказилишини таъминлаш гурух назоратчисининг вазифаси ҳисобланади.

42. Гурух назоратчиси ўзига юкланган вазифаларни самарали амалга ошириш учун бино раҳбаридан амалий ёрдам олиши, мазкур Низом талабларига амал қилмаган абитуриентни тест синовлари жараёндан четлаштириш ҳуқуқига эга.

43. Қуйидагилар гурух назоратчиларининг мажбуриятлари ҳисобланади:

тест синовлари ўтказиладиган куни ўзи бириктирилган бинога соат 05:30 дан кечикмасдан ортиқча буюмларсиз (уяли телефон, микрокалькулятор ва шу кабилар) паспорти билан етиб келиш ва соат 06:00 дан 06:30 гача бино штабида ўзларига тегишли рухсатномаларни олиш ва ўзига бириктирилган гуруҳнинг тест синовларига тайёрлигини текшириш, жараёнга салбий таъсир этувчи омиллар аниқланганда, уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

гуруҳдаги столларнинг кетма-кетликда рақамланганлигини текшириш;

белгиланган вақтларда бино раҳбаридан абитуриентларнинг гуруҳлар бўйича рўйхатини, титул варақаларини ҳамда тест материаллари қутисини қабул қилиб олиш;

абитуриентнинг рухсатномаси, титул варақасидаги расми ва паспорти асосида текшириб (расмлар шу абитуриентга тегишлилигига ишонч ҳосил қилиб), уларни гурух рўйхати бўйича белгиланган жойига ўтиришини таъминлаш ҳамда тест синовларига келмаган абитуриентларнинг ўрнини бўш қолдириш;

тест синовларига келган абитуриентга тегишли титул варақасини бериш;

тест материаллари қутисида абитуриентлар сонига мос тест топшириқлари китоби, жавоблар варақаси, ишлатилмаган тест топшириқлари китоблари, жавоблар варақаси ва титул варақалари учун бўш пакетлар мавжудлигини текшириш;

мазкур Низомга 11-иловада келтирилган жавоблар варақасини ва жавоблар варақаси рақамига мос рақамли тест топшириқлари китобларини абитуриентларга тарқатиш;

тест топшириқлари китобининг рақами билан жавоблар варақаси рақамининг мослигини ҳамда тест материаллари нуқсонсизлигини текшириб чиқиш, жавоблар варақаси ва тест топшириқлари китоби муқовасида кўрсатилган

тегишли жойга фамилияси, исми, отасининг исмини ёзиб, имзо қўйиш учун абитуриентларга кўрсатма бериш;

тест топшириқлари китобида нуқсон мавжудлиги аниқланса, унинг биринчи бетига “нуқсонли” деб ёзиш, алмаштирилган вақтини кўрсатиш ҳамда абитуриентнинг фамилияси, исми, отасининг исмини ёзиб, имзолаш ва ушбу ҳолат ҳақида далолатнома тузиш;

тест синовларига келмаган абитуриентнинг тест топшириқлари китобини тест синовлари бошланганидан сўнг 15 дақиқа ўтгач ишлатилмаган тест топшириқлари китоби пакетига солиб муҳрлаш, абитуриентларнинг гуруҳ бўйича рўйхатига тест синовларига келмаган абитуриент исми-шарифининг тўғрисига “қатнашмади” деган ёзув киритиш ҳамда унинг жавоблар варақаси ва титул варақасини жавоблар варақаси пакетига солиб қўйиш;

биринчи сменада соат 08:00 дан 08:20 гача, иккинчи сменада соат 15:00 дан 15:20 гача абитуриентларнинг гуруҳлар бўйича рўйхатини расмийлаштириш;

абитуриентларнинг гуруҳлар бўйича рўйхатининг тўлдирилган бир нусхасини бино раҳбарига топшириш;

абитуриентлар билан тест топшириқлари бўйича савол-жавоб қилмаслик;

тест топшириқлари учун ажратилган вақт тугаганлигини эълон қилиш, абитуриентларни ўринларидан туришларини талаб қилиш;

абитуриентларга тест материалларини топшириш бўйича кўрсатма бериш;

тест топшириқлари китоби ва жавоблар варақасига шикаст етмаганлигини текшириб қабул қилиб олиш;

барча жавоблар варақаларини жавоблар варақалари пакетига солиш;

тест синовларида қатнашган абитуриентларнинг жавоблар варақаларини, “нуқсонли” деб топилган тест топшириқлари китобини, абитуриентларнинг гуруҳлар бўйича рўйхатининг иккинчи нусхасини жавоблар варақаси пакетига солиб, пакетни муҳрлаш;

ишлатилмаган тест топшириқлари китоби, жавоблар варақаси, титул варақаси пакетлари устидаги маълумотларни хатосиз тўлиқ расмийлаштириш ҳамда тест материаллари қутисига солиб муҳрлаш;

тест синовлари тугагандан сўнг гуруҳда абитуриентлар бўлса, уларни ташқарига чиқариш;

тест материаллари қутисини бино раҳбарига белгиланган вақтларда топшириш ва топширганлигини тасдиқлаш.

44. Гуруҳ назоратчиси абитуриент тест топшириқлари китоби нуқсонли эканлиги ҳақида мурожаат қилса, биринчи сменада 08:00 гача, иккинчи сменада 15:00 гача қуйидаги ишларни амалга оширади:

гуруҳда тест синовларида қатнашмаган абитуриент учун ажратилган тест топшириқлари китобини жавоблар варақаси билан бирга мурожаат қилган абитуриентга беради;

гуруҳда ортиқча тест топшириқлари китоби бўлмаса, бино раҳбаридан захирадаги шу таълим йўналиши ва тилига мос бўлган тест топшириқлари китоби ва жавоблар варақасини беришни сўрайди.

ISHLATILMAGAN TEST TOPSHIRIQLARI KITABI PAKETI

Test sinovi boshlangandan 15 daqiqadan so'ng guruhda muhrlanadi.

Test materiallari qutisiga muhrlangan holda solinadi.

Biz, quyida imzo chekuvchilar _____ yil _____ avgust _____ guruhda _____ ta ishlatilmagan test topshiriqlari kitobini paketga solib, qaytish muhri bilan muhrlaganligimizni tasdiqlaymiz.

1. _____ (Tashab nazoratchi F.I.O.) _____ (imzo)

2. _____ (Guruh nazoratchi F.I.O.) _____ (imzo)

Ўзбекистон Республикаси олий таълим
муассасаларининг бакалавриятига ўқишга
қабул қилиш учун кириш тест синовларини
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
10-илова

1-шакл

TITUL VARAQALARI PAKETI

Guruhda
muhrlangan
holda test
materiallari
qutisiga
solinadi.

Biz, quyida imzo chekuvchilar _____ yil _____ avgust _____ guruhda
test sinovi soat _____ da tugaganligini va ushbu paketga _____ ta
titul varaqasini solib, qaytish muhri bilan muhrlaganligimizni
tasdiqlaymiz.

1. _____ (Guruh nazoratchisi F.I.O.) (imzo)
2. _____ (Guruh nazoratchisi F.I.O.) (imzo)

2-шакл

JAVOBLAR VARAQALARI PAKETI

Biz, quyida imzo chekuvchilar _____ yil _____ avgust kuni _____ guruhda
test sinovi soat _____ da tugaganligini va ushbu paketga quyidagilar solinganligini
tasdiqlaymiz:

- 1) test qoidalar bo'yicha topshirilgan javoblar varaqalari soni _____ ta;
- 2) tarqatilmagan javoblar varaqalari soni _____ ta;
- 3) chetlashtirilgan javoblar varaqalari soni _____ ta;

Test sinovi yakunida topshirilmagan javoblar varaqalari soni _____ ta:

1) _____ (Javoblar varaqasi raqami) 2) _____ (Javoblar varaqasi raqami) 3) _____ (Javoblar varaqasi raqami)

Nuqsonli test materiallari _____ ta:

1) _____ (Nuqsonli test material raqami) (Zahiradan olingan test material raqami)
2) _____ (Nuqsonli test material raqami) (Zahiradan olingan test material raqami)

1. _____ (Guruh nazoratchisi F.I.O.) (imzo)
2. _____ (Guruh nazoratchisi F.I.O.) (imzo)

45. Тест синовларини ўтказишда гуруҳ назоратчилари абитуриентларга микрокалькулятор, лугат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари, шпаргалкалар ва шу кабиларни берса ёки ишлатишга имконият яратса, фойдаланилаётган ҳолатларда тест синовларидан четлаштирмаса ва ушбу ҳолат учун жавоблар varaқасининг 4-бўлимини расмийлаштирмаса, мазкур ҳолат уларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

46. Тест синовлари жараёнида абитуриент қуйидаги ҳуқуқларга эга:

тест топшириқлари китобидан қоралама сифатида фойдаланиш;

тест топшириқларини белгиланган муддатдан олдин бажариш, ундан сўнг тест материалларини тартиб билан гуруҳ назоратчисига топшириш ҳамда тест синовлари ўтказиладиган ҳудуддан чиқиб кетиш.

47. Абитуриент тест синовлари ўтказиладиган куни бинога тегишли ҳудудга соат 07:00 (иккинчи смена соат 13:00) гача, бинога соат 07:30 (иккинчи смена соат 13:30) гача фақат абитуриент рухсатномаси ва паспорти билан шахсни идентификациялаш воситалари ҳамда видеофиксация қурилмалари орқали тартибли равишда кириши билан биргаликда, биринчи сменада соат 07:30 дан 08:00 гача, иккинчи сменада соат 14:30 дан 15:00 гача қуйидаги ишларни амалга оширишга мажбур:

тест топшириқлари китоби ва унга мос рақамли жавоблар varaқаси рақамлари мослигини текшириш;

тест материаллари нуқсонсизлигини текшириш ва нуқсон борлиги аниқланса, дарҳол гуруҳ назоратчисига хабар бериш;

жавоблар varaқаси тўғри тўлдирилишини таъминлаш;

тест топшириқлари китоби муқовасида ва жавоблар varaқасида кўрсатилган тегишли жойга фамилияси, исми, отасининг исмини ёзиб, имзо қўйиш;

жавоблар varaқаси рақамини абитуриент рухсатномаси ва титул varaқасининг тегишли жойига тўғри кўчириб имзо қўйиш;

титул varaқасида кўрсатилган махсус код ва таълим муассасаси кодини жавоблар varaқасида кўрсатилган тегишли жойга тўғри кўчириб ёзиш ва тегишли доирачаларни бўяш.

48. Абитуриент мазкур Низомнинг 47-бандида кўрсатилган мажбуриятлардан ташқари қуйидагиларга шахсан жавобгар ҳисобланади:

жавоблар varaқасини ҳаво ранг пастали шарикли ручка билан тўлдириш;

жавоблар varaқасини букмаслик, маркер чизигига ёзмаслик, жавоблар varaқаси рақами остида жойлашган доирачаларни бўямаслик;

жавоблар varaқаси билим даражасини белгиловчи асосий ҳужжат бўлганлиги учун уни тўғри тўлдириш;

белгиланган вақт тугагунга қадар тест топшириқлари китобида мавжуд тест топшириқларини бажарган ҳолда жавоблар varaқасининг мос тартиб рақамидаги тегишли доирачаларини бўяб, тест топшириқлари китобини ва унга мос бўлган жавоблар varaқасини гуруҳ назоратчисига топшириш.

49. Ҳар бир тест топширигига 4 тадан (“А”, “В”, “С”, “D”) муқобил жавоблар бериллади.

50. Абитуриент томонидан ҳар бир тест топширигига фақат битта жавоб белгиланиши шарт бўлиб, тест топшириклари китобида тўғри деб ҳисобланган жавобларни жавоблар варақасидаги мос тартиб рақамли доирачадан биттасини бўйди (жавоблар варақасида бўялган жавобларни ўзгартириш мумкин эмас). Агар, жавоблар варақасидаги “белгилаш учун намуна” коидасига риоя этилмаса, жумладан, битта тест топширигига жавоблар варақасида тегишли доирача бўялмаса ёки икки ва ундан ортиқ доирача бўялса ёхуд тўлиқ бўялмаса ушбу тест топширигига балл берилмайди.

51. Абитуриентнинг тест синовларини топшириш вақтида гуруҳдан чиқиши тақиқланади, чиққан абитуриентлар қайтадан тест синовларига қўйилмайди. Тест материалларисиз, гуруҳ назоратчиси кузатуви остида гуруҳдан чиқиш ҳоллари бундан мустасно.

52. Куйидаги ҳолларда абитуриент тест синовлари жараёнидан четлаштирилади ва натижалари чиқарилмаслигига асос бўлади:

тест синовлари ўтказиладиган ҳудудга ёки бинога киришда микрокалькулятор, лугат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация қурилмалари ва бошқа воситалар, шпаргалкалар олиб киришга ҳаракат қилса, олиб кирган бўлса ёки улардан тест синовлари давомида фойдаланса;

тест материалларини бошқа абитуриентга узатса ёки уларга ёрдам берса;

тест материалларини бинодан ташқарига олиб чиқса, тест топшириклари китоби варағини йиртса;

тест синовлари учун ажратилган вақт тугагандан сўнг тест материалларини топширишдан бош тортса;

тест синовлари жараёнида видеокузатувлар орқали абитуриентнинг тартиб ва қоидаларга амал қилмаганлиги аниқланса.

3-боб. Тест синовлари натижаси бўйича берилган апелляция шикоятларини кўриб чиқиш

53. Тест синовлари натижасидан норози бўлган абитуриентлар 20 августдан 30 августгача (белгиланган иш вақтига мувофиқ, дам олиш кунларисиз ўн бир календарь кун ичида) бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан тасдиқланган апелляция комиссиясига мазкур Низомга 13-иловада келтирилган шаклга мувофиқ ёзма ёки электрон шаклда апелляция шикоятини бериш ҳуқуқига эга.

Абитуриентга апелляция шикояти қабул қилинганлиги тўғрисида уч иш кун ичида хабарнома бериллади.

Апелляция шикояти Давлат тест марказида ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бўлимларида қабул қилинади.

Апелляция шикоятига абитуриент рухсатномасининг нусхаси илова қилинади.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриятига ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга 9-илова

1-шакл

Бино бўйича тест материалларини тарқатиш ва қабул қилиш БАЁННОМАСИ

| (таълим муассасаси номи) | | (бино рақами) | | | (йил ва сана) | | | |
|--------------------------|--------------|--------------------------|--|-------|---------------|--|-------|------|
| Т/р | Гуруҳ рақами | Гуруҳ назоратчиси Ф.И.О. | Гуруҳ назоратчисига тарқатилади | | | Гуруҳ назоратчисидан қабул қилинади | | |
| | | | тест материаллари кутиси ва муҳри ҳолати | вақти | имзо | тест материаллари кутиси ва муҳри ҳолати | вақти | имзо |
| 1 | | | | | | | | |
| ... | | | | | | | | |
| | | Бино бўйича жами | | | | | | |

Бино раҳбари

(Ф.И.О.)

(имзо)

2-шакл

Заҳира тест материалларини тарқатиш БАЁННОМАСИ

| (таълим муассасаси номи) | | (бино рақами) | | | (йил ва сана) | |
|--------------------------|--------------------------------------|--|---|------------------------------------|--------------------------------------|--|
| Т/р | Тест материали берилган гуруҳ рақами | Мурожаат қилган бино раҳбари ва гуруҳ назоратчисининг Ф.И.О. | Саволлар китоби, жавоблар варағи рақами | Заҳира тест материали бериш сабаби | Заҳира тест материали берилган вақти | Бино раҳбари ва гуруҳ назоратчисининг имзоси |
| | | | | | | |

Давлат тест марказининг вакили

(Ф.И.О.)

(имзо)

Ўзбекистон Республикаси олий таълим
муассасаларининг бакалавриятига ўқишга
қабул қилиш учун кириш тест синовларини
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
8-илова

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат тест маркази директори

М.Ў.

(имзо)

(Ф.И.О.)

“ ” 20__ й.

Гуруҳ назоратчиларининг
ТАҚСИМОТИ

(таълим муассасаси номи)

(бино)

(йил ва сана)

| Т/р | Махсус код | Ф.И.О. | Гуруҳ рақами | Изоҳ | Имзо |
|-----|------------|--------|--------------|------|------|
| | | | | | |

Давлат тест марказининг
вакили

(Ф.И.О.)

(имзо)

54. Апелляция комиссияси апелляция шикоятини кўриб чиқиш жараёнида қабул комиссияси аъзоларини, Давлат тест маркази вакилларини ҳамда гуруҳ назоратчиларини уларга тегишли масалалар бўйича жалб қилишга ҳақли.

55. Апелляция шикоятини берган абитуриент хабарномада белгиланган кунда ўзининг паспорти ва абитуриент рухсатномаси билан келиши шарт.

56. Апелляция шикояти кўрилатган абитуриентга унинг жавоблар варақаси нусхаси, тест топшириқлари нотўғри бажарилган жавоблар рўйхати ҳамда тест синовларида абитуриентга тақдим этилган тест топшириқлари китоби берилди.

Тақдим этилган ҳужжатлар асосида абитуриент ўзининг ҳар бир нотўғри деб ҳисобланган тест топшириғига жавобларини ёзма равишда баён қилади ва қабул қилиб олган барча тест материаллари билан бирга апелляция комиссиясига тақдим этади.

57. Апелляция шикояти апелляция комиссияси томонидан фақат абитуриент иштирокида, унинг ёзма жавоблари асосида кўриб чиқилади. Абитуриентнинг ёзма жавоблари ўз тасдиғини топмаган бўлса, апелляция комиссияси тест синовлари натижаларини ўзгартириш қолдириш ва апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

58. Абитуриентнинг жавоблар варақаси, тест топшириқлари китоби Давлат тест марказига белгиланган тартибда етказилмаган, йиртилган бўлса, шунингдек, тест синовларидан четлаштирилган ёки ўзининг жавобларини ёзма равишда баён қилмаган абитуриентнинг апелляция шикояти кўриб чиқилмайди.

59. Апелляция жараёнида қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

апелляция ўтказилаётган хонага уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар (луғат, жадваллар бундан мустасно) олиб киришга ҳаракат қилиш ёки олиб кириш;

апелляция жараёнида тест материалларини бошқа абитуриентга узатиш, уларга ёрдам бериш ёки ёрдам олиш;

тест топшириқлари китобининг варағини йиртиш.

60. Апелляция комиссиясининг қарори бўйича маълумот Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига апелляция жараёни тўлиқ тугаганидан сўнг беш иш кун ичида тақдим этилади.

61. Абитуриент апелляция комиссиясининг апелляция шикоятини кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилган қарори юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

4-боб. Яқунловчи қонда

62. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ташкил этиш
СХЕМАСИ

| Босқич | Тадбирлар | Масъуллар | Бажариш муддатлари |
|------------|---|--|-------------------------------------|
| I босқич | 1. Абитурientларнинг ўқишга қабул қилиш ҳақидаги аризаларини қабул қилади. 2. Мазкур аризалар бўйича умумлаштирилган маълумот тайёрлайди. | Олий таълим муассасалари қабул комиссиялари | ҳар йили 15 июндан 15 июлгача |
| II босқич | Абитурientлардан тушган аризалар бўйича умумлаштирилган маълумотни қабул комиссиясининг раиси ва масъул котиби томонидан имзоланган ҳолда Давлат тест марказига тақдим этилади. | Олий таълим муассасалари қабул комиссиялари | ҳар йили 16 июль |
| III босқич | Тест синовлари ўтказиладиган биноларни тест синовларига тайёр ҳолатга келтиради ҳамда бу ҳақда Давлат тест марказига маълумот беради. | Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, олий таълим муассасалари қабул комиссиялари | ҳар йили 16 июль |
| IV босқич | Давлат тест марказидан титул ырақаси ва абитурient руҳсатномаси бланкаларини қабул қилиб олади. | Давлат тест маркази, Олий таълим муассасалари қабул комиссиялари | ҳар йили 17 июль |
| V босқич | Касбий (ижодий) имтиҳонлар натижаларини махсус дастур орқали баъзага киритади, расмийлаштиради ва Давлат тест марказига тақдим этилади. | Олий таълим муассасалари қабул комиссиялари | ҳар йили 22 июль |

Ўзбекистон Республикаси олий таълим
муассасаларининг бакалавриатига ўқишга
қабул қилиш учун кириш тест синовларини
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
7-илова

Тест материаллари қутиси
РЕЕСТРИ

| (таълим муассасаси номи) | | (йил ва сана) | | | |
|--------------------------|---------------------|---|--|--|---|
| (бино рақами) | | (бино манзили) | | | |
| T/p | Қути рақами ва номи | Фельдъегерлик хизмати ходими Давлат тест марказидан қабул қилди | Давлат тест марказининг вакили фельдъегерлик хизмати ходимидан қабул қилди | Фельдъегерлик хизмати ходими Давлат тест марказининг вакилидан қабул қилди | Давлат тест маркази фельдъегерлик хизмати ходимидан қабул қилди |
| | | | | | |

- Фельдъегерлик хизмати ходими _____ (ф.и.о.) _____ (имзо)
- Давлат тест марказининг вакили _____ (ф.и.о.) _____ (имзо)
- Фельдъегерлик хизмати ходими _____ (ф.и.о.) _____ (имзо)

Эслатма: Тест материаллари қутисидан шикастланишлар ва шу каби ҳолатлар содир бўлганда, бу ҳақда тегишли шахс томонидан мос катакларда қайд этилади, акс ҳолда «+» белгиси қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриятга ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга 2-илова

Абитуриентларга эслатма

Абитуриент қабул комиссиясига тегишли ҳужжатларни топшириши, топширган ҳужжатларига мос маълумотлар абитуриентлар базасига тўғри киритилганини тасдиқлаши лозим. Қабул жараёни тугагандан сўнг абитуриентнинг муқоиматлари (шикоятлари) инобатга олинмайди.

Абитуриент рухсатномасида кўрсатилган сана ва вақтда тест синовларида иштирок этади.

Тест синовлари жараёнида абитуриент куйидаги ҳуқуқларга эга:
саволлар китобчасидан қоралама сифатида фойдаланиш;

тест топшириқларини белгиланган муддатдан олдин бажариш, ундан сўнг тест материалларини тартиб билан гуруҳ назоратчисига топшириш ҳамда тест синовлари ўтказиладиган ҳудуддан чиқиб кетиш.

Абитуриент тест синовлари ўтказиладиган куни бинога тегишли ҳудудга соат 07:00 (иккинчи смена соат 13:00) гача, бинога соат 07:30 (иккинчи смена соат 13:30) гача фақат абитуриент рухсатномаси ва паспорт билан шахсни идентификациялаш воситалари ҳамда видеофиксация қурилмалари орқали тартибли равишда кириши, тест синовларини ўтказиш қондаларига қатъий амал қилиши билан биргаликда, биринчи сменада соат 07:30 дан 08:00 гача, иккинчи сменада соат 14:30 дан 15:00 гача куйидаги ишларни амалга оширишга мажбур:

тест топшириқлари китоби ва унга мос рақамли жавоблар варақаси рақамлари мослигини текшириш;

тест материаллари нуқсонсизлигини текшириш ва нуқсон борлиги аниқланса, дарҳол гуруҳ назоратчисига хабар бериш;

жавоблар варақаси тўғри тўлдирилишини таъминлаш;

тест топшириқлари китоби муқовасида ва жавоблар варақасида кўрсатилган тегишли жойга фамилияси, исми, отасининг исмини ёзиб, имзо қўйиш;

жавоблар варақаси рақамини абитуриент рухсатномаси ва титул варақасининг тегишли жойига тўғри кўчириб имзо қўйиш;

титул варақасида кўрсатилган махсус код ва таълим муассасаси кодини жавоблар варақасида кўрсатилган жойга тўғри кўчириб ёзиш ва тегишли доирачаларни бўяш.

Абитуриент юқорида кўрсатилган мажбуриятларидан ташқари куйидагиларга шахсан жавобгар ҳисобланади:

жавоблар варақасини ҳаво ранг пастали шарикли ручка билан тўлдириш;

жавоблар варақасини букмаслик, маркер чизигига ёзмаслик, жавоблар варақаси рақами остида жойлашган доирачаларни бўямаслик;

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриятга ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга 6-илова

1-шакл

Абитуриентлардан тушган аризалар ҳақида МАЪЛУМОТ

| (таълим муассасаси номи) | | | | | | (йил ва сана) | |
|--------------------------|-------------|--------------|-------------|-----------|------------|--------------------|--|
| Т/р | Танлов коди | Таълим шакли | Таълим тили | Тест коди | Ёзув шакли | Жами аризалар сони | Шу жумладан, тест синовларида иштирок этадиганлар сони |
| 1. | | | | | | | |
| ... | | | | | | | |
| Жами | | | | | | | |

Қабул комиссияси раиси _____ М.Ў.
(Ф.И.О.) (имзо)

2-шакл

Халқаро ва республика фан олимпиадалари, танлов ва мусобақалар ғолиблари РЎЙХАТИ

| (таълим муассасаси номи) | | | | (йил ва сана) | |
|--------------------------|------------|--------------|-------------|---------------|-----------------------|
| Т/р | Махсус код | Таълим шакли | Танлов коди | Таълим тили | Абитуриентнинг Ф.И.О. |
| | | | | | |

Қабул комиссияси раиси _____ М.Ў.
(Ф.И.О.) (имзо)

3-шакл

Чет эл фуқароси бўлган абитуриентлар РЎЙХАТИ

| (таълим муассасаси номи) | | | | | (йил ва сана) |
|--------------------------|------------|--------------|-------------|-------------|-----------------------|
| Т/р | Махсус код | Таълим шакли | Танлов коди | Таълим тили | Абитуриентнинг Ф.И.О. |
| | | | | | |

Қабул комиссияси раиси _____ М.Ў.
(Ф.И.О.) (имзо)

4-шакл

Ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномасига эга бўлган абитуриентлар РЎЙХАТИ

| (таълим муассасаси номи) | | | | | | | (йил ва сана) | |
|--------------------------|------------|-------------|-------------|--------------|-----------------------|--------------------|-------------------|----------------|
| Т/р | Махсус код | Таълим тури | Танлов коди | Таълим шакли | Абитуриентнинг Ф.И.О. | Ҳарбий қисм рақами | Тавсиянома | |
| | | | | | | | серияси ва рақами | берилган вақти |
| | | | | | | | | |

Қабул комиссияси раиси _____ М.Ў.
(Ф.И.О.) (имзо)

Ўзбекистон Республикаси олий таълим
муассасаларининг бакалавриатига ўқишга
қабул қилиш учун кириш тест синовларини
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
5-илова

1-шакл

Абитуриентларга рухсатномаларни тарқатиш қайдномаси

| (таълим муассасаси номи) | | (бино) | (йил ва сана) |
|--------------------------|------------|------------------|---|
| Т/р | Махсус код | Абитуриент Ф.И.О | Рухсатномани қабул қилиб олдим, (имзо) |
| | | | |

Қабул комиссияси масъул котиби

(Ф.И.О.)

(имзо)

2-шакл

“ТАСДИКЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат тест маркази директори

М.У. _____ (имзо)

(Ф.И.О.)

“ ” _____ 20__ й.

Абитуриентларнинг гуруҳлар бўйича рўйхати

| (таълим муассасаси номи) | | (бино) | (йил ва сана) |
|--------------------------|------------|--------|--|
| (гуруҳ) | | | |
| Ўтириш ўрни | Махсус код | Ф.И.О. | Жавоблар варағи рақами |
| | | | Тест материалларини қабул қилиб олганлиги ҳақида (имзо) |
| | | | |

Изоҳ. Мазкур рўйхат расмийлаштирилган ҳолда бино раҳбарига биринчи сменада 08:20 гача, иккинчи сменада 15:20 гача бўлган
вақтда топширилиши лозим.

Гуруҳ назоратчиси

(Ф.И.О.)

(имзо)

жавоблар варақаси билим даражасини белгиловчи асосий ҳужжат бўлганлиги учун уни тўғри тўлдириш;

белгиланган вақт тугагунига қадар тест топшириқлари китобида мавжуд тест топшириқларини бажарган ҳолда жавоблар варақасининг мос тартиб рақамидаги тегишли доирачаларини бўяб, тест топшириқлари китобини ва унга мос бўлган жавоблар варақасини гуруҳ назоратчисига топшириш.

Тест топшириқлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг умумтаълим фанлари ўқув дастурларига мувофиқ тузилади.

Абитуриентлар танлаган таълим йўналишига қараб тегишли равишда бир, икки ёки учта фан мажмуаси бўйича тест синовини топширади.

Тест топшириқлари китобидаги мавжуд ҳар бир фан 30 тадан тест топширигини ўз ичига олади.

Тест топшириқларини бажариш учун (жавоблар варақасини тўлдириш билан бирга) 30 та тест топширигига 1 соат, 60 та тест топширигига 2 соат, 90 та тест топширигига 3 соат вақт белгиланади.

Ҳар бир тест топширигига 4 тадан (“А”, “В”, “С”, “D”) муқобил жавоблар бериллади.

Абитуриент томонидан ҳар бир тест топширигига фақат битта жавоб белгиланиши шарт бўлиб, тест топшириқлари китобида тўғри деб ҳисобланган жавобларни жавоблар варақасидаги мос тартиб рақамли доирачадан биттасини бўяйди (жавоблар варақасида бўялган жавобларни ўзгартириш мумкин эмас). Агар жавоблар варақасидаги “белгилаш учун намуна” қондасига риоя этилмаса, жумладан битта тест топширигига жавоблар варақасида тегишли доирача бўялмаса ёки икки ва ундан ортиқ доирача бўялса ёхуд тўлиқ бўялмаса ушбу тест топширигига балл берилмайди.

Абитуриентнинг тест синовларини топшириш вақтида гуруҳдан чиқиши тақиқланади, чиққан абитуриентлар қайтадан тест синовларига қўйилмайди. Соғлиғига салбий таъсир этувчи ҳолатларда тест материалларисиз қузатув остида гуруҳдан чиқиш ҳоллари бундан мустасно.

Қуйидаги ҳолларда абитуриент тест синовлари жараёнидан четлаштирилади ва натижалари чиқарилмаслигига асос бўлади:

тест синовлари ўтказиладиган ҳудудга ёки бинога киришда микрокалькулятор, луғат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация қурилмалари ва бошқа воситалар, шпаргалкалар олиб киришга ҳаракат қилса, олиб кирган бўлса ёки улардан тест синовлари давомида фойдаланса;

тест материалларини бошқа абитуриентга узатса ёки уларга ёрдам берса;

тест материалларини бинодан ташқарига чиқарса, тест топшириқлари китоби варағини йиртса,

тест синовлари учун ажратилган вақт тугаганда тест материалларини топширишдан бош тортса;

тест синовлари жараёнида видеоқузатувлар орқали абитуриентнинг тартиб ва қондаларга амал қилмаганлиги аниқланса.

